

4.2. Ушбу шартнома асосида тўловлар «Сотиб олувчи» томонидан «Сотувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул кўчириш орқали амалга оширилади.

## 5. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Мазкур шартномани бажармаганлик ва (ёки) лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди, ҳамда ЎзР «Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-32 моддалари, ЎзР Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176-1, 212 –моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қулланилади.

5.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилганлиги учун «Сотувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдоридан, бироқ етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда, пеня тулайди.

5.3. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда «Сотиб олувчи» ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

## 6. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Фавқулотда тусдаги ҳолатлар ҳамда енгиб бўлмайдиган куч натижаси туфайли тарафларда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаса, улар жавобгарликдан озод этилади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.

7.2. Тарафларнинг келишуви билан хал килиб бўлмайдиган низолар Кармана туманлараро иктисодий суд орқали хал қилинади.

7.3. Ушбу шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда шартнома тарафлар розилиги билан бекор қилиниши мумкин.

## 8. УМУМИЙ ХОЛАТЛАР

8.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб ғазначилик бошқармасида (бўлинмасида) рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилга қадар амал қилади.

8.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда тарафлар томонидан тузилиб, имзоланиб ғазначилик бошқармасида (бўлинмасида) рўйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

8.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида хал этилади.

8.4. Мазкур шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб, икки нусхада давлат тилида тузилган.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «СОТУВЧИ»

«Навоий Дори-Дармон» АЖ, 210100,  
Навоий шаҳри, Навоий к-си 65,  
х/р 20208000000306028001  
ТИФ Миллий Банк Навоий бўлими,  
МФО 00196, СТИР 200 000034  
ОКЭД 46460 тел. 0(436)224-54-51, 224-27-36

М.У.

Ижрочи

юрист



### «СОТИБ ОЛУВЧИ»

Перикатал марказ  
Манзили УБН Сино-27Б  
х/р 100021860124017043310054001  
банк Тошкент ш МБ МФО 00014  
СТИР 203844169  
ОКЭД 87100 тел 220-30-36

Ғазначилик бўлими Навоий вилоят

х/р 23402000300100001010  
банк Тошкент ш МБ  
СТИР 201122919 МФО 00014

Раҳбар

М.У.

(имзо Ф.И.О.)

Юристинг Р.Б. Гафаров  
Юристинг Ю.О. Омиров